

Ўзбекистон Бадий Академияси

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институти

РЕФЕРАТ

Илк христианлар даврида Византия меъморчилиги.

Бажарди: Санъатшунослик факультети

1-курс талабаси Рахмонова Г.

Текширди:

Тошкент 2009 й.

РЕЖА:

Кириш

- I. Илк Византия меъморчилиги.
 - 1. Византиянинг бошланғич ва келиб чиқиш меъморчилиги.
- II. Ўрта Византия меъморчилиги.
- III. Сўнгги Византия меъморчилиги.

Кириш.

Византия тарихи IV асрдан бошланган яъни Рим империясига император Константин бостириб келиши билан (324-337 йиллар бошқаруви). У империя пойтахтини Константинополь шаҳрига кўчириб ўтказди. Бу Рим империясига ёмон таъсир этиб, натижада икки қисмга бўлинди: Ғарбий ва Шарқий кейинчалик тарихчилар томонидан Византия деб номланди. Тез орада 313 йилда Милан эдикти христиан динида эркин сиғинишга кейинчалик 395 йил икки империя учун расмий дин этиб қабул қилинди. Ўрта асрларда феодал қурилишларнинг гуллаб яшнаган даври эди бу эса меъморчилик соҳасида ўзини яхши кўрсата олган. Бу даврдаги доимий урушларда крепостлар қуришга эътибор берилди ва харбий меъморчилик ўрта аср санъатига кўп янгиликлар олиб кирди, антик давр санъатига нисбатан. Шу билан бирга биноларда тишли жанговар парапетлар, оддий ҳамда навесли, ёпиқ муҳофаа балконлар ва ҳакозо шунга ўхшаш турдаги деталлар ривожланган. Ўрта асрларда монастирлар кўп қурила бошлаган, бино шаҳарда қурилибгина қолмасдан шаҳардан узоқда жойлашган ерларда ҳам қурилган шунинг учун ҳам харбийлар чекка халқ инсонлари учун хизмат қилиши керак эди. Шунингдек монастирлар илк ўрта асрларда маданий марказ бўлиб ҳам хизмат қилган. У ерда китоблар сақланган, йилномалар ёзиб борилган, дарслар ўқитилган. Монастирларнинг кўп сонда кўпайиши ўрта аср диндор одамларининг ҳаётида муҳим бир ўрин эгаллади. Дин ўзининг авторитети билан давлат ҳаётининг ижтимоий ва сиёсий қурилишида деярли черковлардан ажралмас бўлиб қолди. Черковда диний маросимлар ўтказилиши билан у ер асосий жамоат **сооруженияси** ҳисобланган. Янги рассомчилик ғоялари ўрта аср ибодатхоналарини қурилишида ривожлана бошлади. Христиан ибодатхоналарида асосий ғоя нариги дунё, худо, дин ҳақида қарашлар илгари сурилган. Диний қарашлар санъатда яъни рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчиликда ўз таъсирини ўтказди. Шундай қилиб Византия империяси ва маданиятининг ривожланиши 3 қисмга бўлинади:

- Илк Византия даври (V-VIII асрлар).
- Ўрта Византия даври (VIII-XIII асрлар).
- Сўнгги Византия даври (XIII-XV асрлар).

Византия давлатининг ва ҳалқининг ривожланишида ҳар бир уч жараён ўзининг фазилатларига эга бўлди. Шундай қилиб реферат иши 3 асосий бўлимлардан иборат, ҳар бир бўлим империя давридаги Византия меъморчилигининг турли вақтларда ривожланишига бағишланган.

Илк Византия меъморчилиги.

Византиянинг бошланғич ва келиб чиқиш меъморчилиги.

Византия меъморчилиги ва ёдгорликларининг келиб чиқиш жараёнлари ҳалигача илмий адабиётда бахслар давом этмоқда. Олдинги Византия ўтиш даври меъморчилик тури ҳозиргиси билан бир-бирини тўлиқлаштириб, янгисини барпо этишга ҳизмат қилган. Бундай ҳар хил рангдаги расмлар ўтиш даврига мос бўлган. Доимий ҳар хил қадимий дунё меъморчиликларида аста-секин ривожланишлари, кейинчалик асосий илквизантия жамиятига айланиш тизимида айланган. Меъморчилик тизимида хож-куббанинг пайдо бўлиши асосий муҳитларидан бири бўлган. Византия меъморчилиги пайдо бўлиши олдидан базилика меъморчилик тури тарқалган. Ҳар хил соҳаларда у ҳар хил вариантларга эга бўлган. Базиликали қурилиш режалари асосан Италиядаги қурилган иморатларда аниқ ёритилган. Иморатларнинг кўпчилиги тахтадан иборат хож-куббали бўлиб ғишдан ишланганлари ҳам учраган. Византия ёдгорликлари пайдо бўлиши даврида хож-куббали София соборини мисол қилишимиз мумкин. Византия ёдгорлигини барпо этишда қурилиш махсулотларига ва конструкцияга эга иккита тажриба майдонини мисол қилишимиз мумкин. Буларнинг ҳар бири биноларнинг бунёд бўлишида ўз ҳиссасини қўшган. Тажриба майдонларидан булар пойтахт ҳисобланмиш Константинополь ҳамда Шарқий Сирия қурилишлари ҳисобланади. Сирия қурилиш режасида тошдан терилган блоклар ўз тажрибасига эга. Деворлар беркитилиши оддий

тахтадан беркитилган. Сирия тошдан терилган бино қурилишларида грекларнинг териш услубини акс эттиришган. Константинополь бинолар тажрибасида қурилиш маҳсулотлари ва техника усули бир хиллиги билан мураккаб кўринишга эга. Константинополь қурилишининг Сириядан асосий фарқи ғиштнинг кенг қўлланилишидир. Кичик Азияда 400 гр яқин майдонлар тош билан ғиштнинг навбатма-навбат терилиши кенг қўлланилган. Мисол тариқасида қуйидаги ёдгорликларни мисол келтиришимиз мумкин, булар IV асрга оид Никомиди қурилиши ва Мария черкови ҳамда Кичик Азиядаги галерея аркаси ва Фессалоникадаги Георгия черковидир.

Ўрта Византия даври меъморчилиги.


Византия меъморчилигида шаҳарнинг режаси, монастирлар, черковлар қурилиши жуда кам ўрганилган. Бу даврда Янги шаҳарлар қурилишибўлмаган, лекин кўп эътиборни черковлар қурилишига қаратилган. Аммо эски шаҳарларни қайта тиклаш ва олдиндан қурилган черковларни қайта ремонт қилиш билан чекланиб қолди. Ўрта Византия меъморчилигининг Янги характер хусусиятлари унча ката бўлмаган ўлчамлари билан фарқ қиларди. Черков қурилишларининг асосий хусусиятлари ўзига жалб эта билишида эди. XI- XII асрларда черковларнинг ички ғояси онг билим доираси тор феодаллар учун мослаштира бошланди. Константинопольдаги буюк София собори ва бошқа илк византия биноларида кичкина мутаносиблилиқ хусусиятлари пайдо бўла бошлаган. Бу билан ўрта Византия меъморчилигида ҳеч ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлган бинолар қурилмаган дегани эмас балки унда қарама-қарши ғоялар илгари сурган. Ўрта Византия меъморчилигининг асосий ҳаракатлари ҳож-қуббали меъморчилик системаси ҳисобланган. Лекин бу система қурилиши илк Византия даврида бошланган эди, ўрта византия даврига келиб бу ривожланиш ўз кўринишига эришди. Византия ҳож-қуббали бинолари ўзининг ажойиб оғир вазмин композициялари билан ғоят кучли таассуротлар қолдиради. Бутун дунё меъморий биноларини ўрта Византия ҳож-қубба системасига солиштириб бўлмайди, чунки унда биринчи маротаба хоначаларнинг жойлашиш группировкаси ишлаб чиқилган.


Сўнгги Византия даври меъморчилиги.

Қисқа яшаган сўнгги византия меъморчилиги даври ўзининг турли ўзгаришлари билан таърифланади. Византия империяси ўзининг сўнгги кунларини яшамоқда эди. Сўнгги Византия ривожланиш жараёни готика даври ва Ғарбий Европа уйғониш Ренессанс даврига тўғри келган эди. XIV-аср меъморчилигига қарашли ҳозиргача сақланиб қолган Сарой, Константинопольда қурилган турклар уни Текфур сарой деб аташган бинони мисол қилишимиз мумкин. Шу даврда Константинополь саройи Влахернск саройида ўрнашган бўлиб қолди ва бу Константинопольнинг энг баланд чўққиси бўлиб қолди. Текфур сарой Влахернск саройининг кичик бўлаги ҳисобланади. Бу ёзғи зал ва ошхона учинчи қаватда жойлашиб, у Влахернск саройи шаҳар томони билан мустаҳкамланган. Текфурнинг олдинги кўриниши бой табиийлигига ҳослиги византия меъморчилигида охириги даврларгача малум бўлган. Деворларининг терилиши жонлиликни билдиради. Унда тор қизил йўллар ва турли чизиқларидаги қизил ғиштлар галма-галлиги сақланган. Аркаларни қурилишида умумий тенг ўхшашлик ва ғишт-тошларнинг сариқ-қизиллиги, уларнинг терилиши бинони безатган. Сўнгги Византия Константинопольдаги энг яхши қурилма биноларга маблағ етишмаслиги, оғир иқтисодий қийинчилик вақт кечирилганлигини англатади. XIII- XIV ва XV асрларга оид Константинополь қурилишлари асосан иморатларни қайта қуриш ёки тугалланмаган қисмларини қуришдан иборат бўлган. Сўнгги Византия пойтахт меъморчилигини яратишда монастр черков бўлган, буни саройдаги Федор Метохит амалга оширган. Турклар буни Кахрие жомий мачитига айлантиришган. Хора мачити эски қурилишини қайта қуришдан пайдо бўлган. Сўнгисидан фақат ўрта қисми ва учта **апсиди** қолган. Иморатнинг айниқсалиги ундаги 3 та кичик хож-куббаларнинг бир-бирига тенглиги, ўхшашлиги асосий бош хож-куббага қиёсланган. Уларнинг иккитаси **нартекс**да жойлашган учинчиси эса жанубий мечит устига жойлаштирилган. Қурилишнинг эътиборли томони эски иморатларни таъмирлаш, қайта қуришда табиийликни акс эттирган. Бино қисмларини йиғишда акс эттирилган сўнгги Византия даври иморатларини қояларда жойлаштириш кенг қўлланилган бўлиб айриб деворлари баланд бўлса бошқалари ернинг тагига қирғизиб қурилган. Сўнгги Византия вақтида эски Константинополь ривожланишининг

якунловчи даври ҳисобланган. Византия меъморчилигининг сўнги ривожланиш жараёни бу даврга келиб тугатилди.

Илк христианлар давридаги Византия меъморчилигининг расмлари:





Фойдалинган адабиётлар рўйхати:

1. Якобсон А.Л. Закономерности в развитии средневековой архитектуры, Изд-во «Наука», Ленинград, 1985.
2. Гольдштейн А.Ф. Зодчество, Москва «Просвещение», 1979.
3. Кантор А.М., Сидоров А.А. Малая история искусств, Москва «Искусство», 1975.
4. Станькова Я., Пехар И. Тысячелетнее развитие архитектуры, Москва «Стройиздат», 1987.
5. Византия и византийские традиции, Москва, 1991.
6. Алпатов М.В. Всеобщая история, 1948.

7. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств.
8. Гомбрих Э. История искусств, М., 1998.
9. Лазарев В.Н. Византия и древнерусское искусство, М., 1978.
10. Шишова Н.В. История и культурология.
11. Методические указания под ред. Шишовой – Историко-культурные особенности Византии, 1994.
12. Лихачева В.Д. Искусство Византии, М., 1981.
13. Медведев И.П. Очерки истории и культуры поздневизантийского города, М., 1973.
14. Удальцова В.В. Византийская культура, М., 1988.